

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 182 (10.237)

2004 ЙИЛ 21 СЕНТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТНАР

● «АВТОУСТОЗ» масъулияти чекланган жамиятида БУГУН «Ўзбекистон: давлатчилик тарихи — маҳалла — оила — инсоний қадриятлар», «Кучли давлатдан кучли жамият сари» мавзуларида ўтказилган давра суҳбатида Чилонзор туман маиший хизмат кўрсатувчи тadbirkorлар уюшмаси вакиллари иштирок этишди.

● БУГУН Яққасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласида ҳашар йули билан бўғд этилган маҳалла гузарининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● КЕЧА Акмал Икромов туманидаги ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиларининг сайлови бўлиб ўтди.

● СОБИР Раҳимов туманидаги «Тола» корхонасида бўлиб ўтган «Оғоликка даъват» мавзусидаги тadbirkor «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликларида уюштирилди.

● БУГУН Чилонзор туманидаги «Чилонзор» маҳалла гузаридида туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Дин, аёл ва маънавият» мавзусидаги тadbirkor «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, туман прокуратураси ҳамда «Чилонзор» маҳалласи фаоллари иштирок этишди.

● ТОШКЕНТ Давлат юридик институтинида ҳуқуқшунослар иштирокида «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотлари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● БАДИИЙ академиянинг марказий кўргазмалар залида мамлакатимиз ёш ижодкорларининг «Навқирон Ўзбекистон» фестивали якунланди.

● СОБИР Раҳимов туманидаги «Табассум» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликларида ўтказилган давра суҳбати «Оғоликка даъват». «Демократик сайловнинг аҳамияти» мавзуларида уюштирилди.

● ТРИКОТАЖ махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Шарқ модели» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида иш самардорлигини янада яхшилаш мақсадида хориждан замонавий технологиялар келтирилди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Давлат табиати муҳофазаси қилиш кўмитасида бўлиб ўтган тadbirkor «Осмонни сақлаб, ўзингизни ҳимоя қилиш» шиори остида ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот кизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

«Орзу» ош тузи шўба корхонасида ишлаб чиқарилаётган сифатли ва экологик жиҳатдан тоза ош тузлари ҳар бир таомингиз мазасига хушхўрлик бағишлайди.

СУРАТДА : қадоқловчи Дилноза Эшонбекова иш устида.



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказиш билан боғлиқ Марказий сайлов комиссиясининг низоми ва йўриқномаларининг лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг номуналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси муҳрининг намунаси тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенат

ти аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низоми, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига сайлов ўтказишда ташвиқотини ўтказишда депутатликка номлодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига сайлов кампаниясида қатнашадиган хорижий давлатлар, халқаро ташки-

лотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчилари тўғрисидаги низоми ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлар сметасининг лойиҳаси хусусида Марказий сайлов комиссияси қотиби О.Соатов ахборот берди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси ваколатига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

Тошкент Давлат юридик институтини Яновиянинг Нагоя университети билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Икки мамлакат олимлари ташаббуси билан йирик халқаро симпозиумлар ўтказиш яхши анъанага айланган. Пойтахтимизда навбатдаги ана шундай анжумани мазкур олий ўқув юрглари, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) ваколатхонаси ҳамда шу мамлакатнинг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорликда ташкил этди.

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТИ ВА ДАВР

Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ ислохотларида бағишланган ушбу халқаро илмий симпозиумда мамлакатимиз олий ўқув юрглари профессор-ўқитувчилари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда демократик ҳуқуқий жамият барпо этиш, инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишда муҳим омили бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Суд жараёнини демократлаштириш, судлар мустақиллигини таъминлаш, жинсий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш бўйича ярашув институтини ривожлантириш, Япония оила судларида фуқароларнинг иштироки каби масалалар ҳам анжуман қатнашчилари диққат марказида бўлди. Япон олимлари ўз чиқишларида фуқаролик, савдо, тижорат ва бизнес ҳуқуқига оид ҳамда халқаро ҳуқуқ, одоб ҳуқуқи, икки мамлакат ҳуқуқшунослари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик истиқболларига алоҳида эътибор қаратди.

Бехзод НОРБОВ,
ЎЗА мухбири

ХУЎ Саҳоси

Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкентда «Фавкулдада» вазиятларда ҳаракат қилиш — IWER 2004» мавзусидаги халқаро семинар бошланди. Унда Ўзбекистон, АҚШ, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон вакиллари иштирок этмоқда.

● 20 сентябрдан 25 сентябрга қадар республикаимизда ўтказилаётган ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида халқаро бизнес-марказида соҳани ривожлантириш бўйича 2-миллий конференция бошланди.

● Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ туманидаги «Юлдуз» ширкат ҳўжалигида янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

● Анъанавий «Ҳамшира-2004» танловининг Қорақалпоғистон босқичи якунланди. Унда 15 нафар ҳамшира назарий ва амалий билимларини намойиш этди.

● Наманган вилояти, Қосонсой тумани, Боғишамол қишлоғида сочиқ ишлаб чиқариш бўйича кичик корхона иш бошлади.

● Тошкент вилояти пахтакорлари оммавий термини бошлади.

● Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна» спорт мажмуасида қўл жанги бўйича 15-17 ёшли ўсмирлар ўртасида турнир бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● Бирлашган Миллатлар Ташкилати Суданга қарши санкциялар жорий қилиш бўйича АҚШ дастурини муҳокама қилмоқда.

● Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) Венада ўтказиладиган йилгида Германия, Франция ва Буюк Британиянинг Эронни шу йил ноябрда халқаро ҳамжамият олдида ўз атом ишланмалари тўғрисида ҳисоб беришга ундовчи таклифини кўриб чиқишни кўзда тутмоқда.

● Париж апелляция суди 1997 йилда малика Диана автохалокатда ҳаётдан қўз юмишига қадар ва ундан кейин уни суратларга олган учта сураткашнинг айбсизлигини тасдиқлади.

● Германиянинг Мюнхен шаҳрида анъанавий пиво фестивали бошланди. 3 октябрга қадар давом этадиган ва 171-бор ўтказилаётган мазкур фестивалда 6 миллионга яқин киши иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Фанлар академияси «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш марказида «Ботаника фанини ривожлантириш муаммолари ва унинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олимлари билан бирга Қозоғистон ва Қирғизистондан келган мутахассислар иштирок этди.

— Бугунги кундаги долзарб экологик муаммолардан бири — чўлланниш жараёнини илмий асослаш, унинг олдини олишга хизмат қиладиган усуллари ишлаб чиқиш, табиий ўтлоқлар ҳосилдорлигини янада ошириш, сунъий ўтлоқлар яратиш, чўл минтақалари ва қуриётган Орол денгизи тубини янги фитомелиорантлар билан бойитиш вазифаси мутахассислар зиммасидаги долзарб вазифалар бўлиб турибди. — деди мазкур марказ директори ўринбосари А.Йўлдошев. УЗА мухбирига: — Илмий изланишлар натижасида Марказий Осиё ўсимликларининг экологик классификацияси, мосланиш ва иқлимлаштириш қонуниятлари яратилди. Камёб ва йўқолиб бораётган турлари аниқланди.

Озуқабон, дориворлик хусусиятига эга, емхашак манбаи бўлиб хизмат қиладиган қирқдан кўпроқ ўсимлик тури маданийлаштирилди.

Саноат оқаваларини тозалаш, тупроқ унумдорлиги ва шоди ҳосилдорлигини оширишда сув ўтларидан фойдаланиш усули кенг қўлланилди. Бу борада АҚШ, Германия, Япония, Россия, Голландия каби мамлакатлар илмий марказлари билан алоқалар яхши самара бермоқда.

Анжуманда доривор, озуқабон, гулли, манзарали ва халқ хўжалиги учун истиқболли бошқа ўсимликлардан оқилона фойдаланиш, уларни маданийлаштириш ҳамда иқлимлаштириш муаммолари, оқаваларни биологик усулда тозалашга қаратилган илмий ишланмаларни янада такомиллаштиришга оид маърузалар тингланди.



САЙЛОВ ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов кампанияси бошлангани муносабати билан маҳаллий ва хорижий журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев икки палатали парламентта сайлов ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўзлади. Мамлакатимизда сайлов тўғрисидаги қонуниларда ҳар бир сайловчининг овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги кафолатланган ва демократик сайловлар ўтказилишини таъмин-

лайдиган мустақкам ҳуқуқий асос яратилган.

Бундан буён комиссия ўзининг мазкур матбуот маркази орқали сайлов кампанияси билан боғлиқ ўз ваколатларига оид барча зарур маълумотларни оммавий ахборот воситаларига мунтазам бериб туриши маълум қилинди. Сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сиё-

сий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ҳужжатларни қабул қилиш, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатдан ўтказиш, улар учун сайловолди кампаниясида тенг имкониятлар яратиш бўйича бажарилган ишлар юзасидан очиқ ва ошқора ахборот берилиши тўлиқ таъминланади.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов кампаниясини ёритиш юзасидан маҳаллий ва хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш тартиби эълон қилинди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

УЗА

Халқимизнинг буюк фарзанди, жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган етук сиймо, шоир, олим ва шоҳ Заҳриддин Муҳаммад Бобурдан бизгача улкан адабий мерос етиб келди. Асрлар ўтса-да унинг бетакрор ва нафис шеърляти, шарқ халқларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, табияти ва калдритлари ҳақида муфассал маълумот берувчи «Бобурнома» ва бошқа асарларида акс этган эзгу ғоялар барҳаёт.

ШОҲ ВА ШОИР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда «Заҳриддин Муҳаммад Бобур - Шарқ уйғониш даврининг буюк намояندаси» мавзусида ўтган илмий-маърифий анжуманда шу ҳақда гап борди. Уни Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзувчилар уюшмаси, Бобур халқро жамғармаси ҳамкорликда ташкил этди.

Мустақиллик йилларида Бобур Мирзонинг нафақат ўқимиздаги қўлэмалар ҳазиналарида, балки хориж кутубханаларида сақланаётган асарларида халқимизни хабардор этиш имкони туғилди. Хорижий мамлакатларнинг нуфузли кутубханаларида сақланаётган «Хатти Бобурий» ва «Куллиёти Бобурий» асарларининг нусхалари юртимизга олиб келинди.

Бобурнинг бебаҳо адабий меросини янада чуқурроқ тадқиқ этишга мамлакатимиз олимлари қатори хорижлик мутахассислар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшаётир. Анжуманда буюк бобокалонимизнинг ҳаёти ва ижодига оид янги муҳим маълумотлар юзасидан фикр алмашилди.

Бобур туғилиб ўсган Фарғона водийси, жумладан, Андижон шаҳри ўтмишини мукамал ўрганиш мақсадида археолог олимларимиз олиб бораётган кенг қўлмали изланишлар ҳам самарали бўлмоқда. Қулай табиий шароитга эга бу воҳода уч-уч ярим минг йил аввал цивилизация ва маданият асослари, хусусан, шаҳарсозлик шаклланишини Далварзин ёдгор-

лиги ва қазилмалар натижасида топишган бошқа иншоотлардаги топишмалар тасдиқлаб турибди.

Анжуманда Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳамда бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларида фаоллик кўрсатган бир гуруҳ олим, ижодкорлар ва санъаткорлар Бобур халқро жамғармасининг муқофотлари билан тақдирланди. Улар орасида географ олим Ҳ.Ҳасанов (марҳум), адабиётшунос А.Қаюмов, манбашунос С.Ҳасанов, таржимон ва тадқиқотчи Қамар Раис (Ҳиндистон), археолог Б.Матбобоев, расом Акмал Нур ва бошқалар бор.

Ўзувчи Қамчибек Кенжа-нин «Андижондан Даққага» китобининг тақдироти бўлди.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА БОШҚАРУВ

Ўзбекистон Фанлар академияси «Замонавий информатсион технологиялар» илмий-техникавий марказида бошқарув тизимлари ва ахборот технологияларига бағишланган илмий-амалий конференция иш бошлади. Унда республикамизнинг илмий ва ўқув марказларида фаолият юритаётган юзга яқин олим ва аспирантнинг бошқариш жараёнларини алгоритмлаштириш ва моделлаштириш, техник тизимларда бошқариш ва хавфсизликни таъминлашга оид маърузалари тингланди. Бу йўналишдаги мавжуд муаммолар таҳлил этилиб, уларни ечиш йўллари муҳокама қилинди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Экология ва сайловлар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. У ЭКОСАН халқро ташкилоти билан биргаликда ўтказилди. Тадбирда сиёсий партиялар, экологик йўналишдаги етакчи ноҳукумат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари ва фаоллари, Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш маркази раҳбарлари, журналистлар қатнашди.

ЭКОЛОГИЯ ВА САЙЛОВЛАР

Учрашувни институт директори А.Раҳмонов бошқарди.

Учрашувда ЭКОСАН халқро ташкилоти раиси Ю.Шодиметов, «Фидокорлар» Миллий демократик партияси Марказий кенгаши биринчи котиби А.Турсунов, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Марказий кенгаши раиси И.Ғофуров ва бошқалар сўзга чиқди.

Давра суҳбатининг асосий мақсади демократик сайловларни ўтказишнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида фуқаролик жамияти институтларининг Ўзбекистон Республикасида ошқора, умимий, эркин ва демократик сайловларни таъминлашдаги ўрни, сайловолди кампаниясидаги камчиликларни аниқлаш, сайлов жараёнининг барча субъектлари учун сай-

ловларда тенг шароит яратиш масалаларини ўрганиш бўлди.

Таъкидландики, Қонунчилик палатаси, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари сайловларини ўтказишга тайёргарлик аҳолининг кенг қатламлари, ноҳукумат нотижорат ташкилотлар, шу жумладан экологик йўналишдаги ташкилотларнинг иштирокини талаб қиладди.

Сиёсий партиялар ҳаётидан

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкентда «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси» сиёсий кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда сиёсий кенгашнинг аввалги мажлисида белгиланган вазифаларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳамда 2004 йилги парламент сайловларида партиянинг иштирокини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокама этилди. Партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси М.Аҳмаджонов шу ҳақда маъруза қилди.

Мажлисла ўтган вақт давомида партиянинг асосий эътибори партия ҳудудий тузилмаларини кадрлар ва моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида партия ғоялари тарғиботини кучайтириш ҳамда бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш масалаларига қаратилгани таъкидланди.

Ҳисобот даврида партия сафлари қарийб икки баравар ўсиб, аъзолар сони 110 миң нафарга етди. Жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари тизими ҳам тобора кенгаймоқда. Ҳозир уларнинг сони 6 миңгадан ошди.

Ҳисобот даврида партиянинг моддий-техника базасини яхшилашда ҳам сезиларли натижаларга эришилди.

Аҳоли ўртасида кенг қамровли сиёсий-мафкуравий тарғибот-ташвиқот олиб боришга катта аҳамият берилаётир. Бу борада ёшлар ва аёллар қаноти томонидан олиб борилаётган ишлар, аиникса, алоҳида ўрин тутди.

Мажлисла партиянинг навбатдаги съездини чақирди ва партиянинг сайловолди дастури лойиҳаси ҳақидаги масалалар ҳам қўриб чиқилди.

УЗА

Фраг

КОДИРИЙ-ШУНОСЛИККА МУНОСИБ ХИССА

Ўзбек адабиётида қодирийшунослик йўналиши шаклланиб бормоқда. Атоқли ёзувчи Абдулла Қодирий ижодий мактаби янглиг юзага келаятган бу адабий жараёни рўёбга чиқаришга истеъдодли ёш олим Баҳодир Каримов ҳам ўзининг муносиб хиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети декани сифатида Баҳодир Каримов қодирийшуносликдан сабоқ беришга хизмат қилувчи ўқув дастурларини яратишга яқиндан бош қўшди.

Изланувчан тадқиқотчи томонидан ёзилган «Қодирий қаҳри» китоби ҳам муҳлисларга манзур бўлди.

Унинг «Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин» деб номланган йирик монографияси эса босмага тайёрланди. Бу нашр «XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (Қодирийшунослик масолида)» мавзусидаги докторлик диссертацияси асосида chop этилади.

АТОҚЛИ ОЛИМГА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Ўзбекистонда тупроқшунослик фани ривожда изланувчан тадқиқотчи Мажид Умаровнинг тутган ўрни катта. Айниқса, унинг республика миқёсда тупроқ физикаси илмий йўналишига қўшган хиссаси салмоқлидир.

Бутун илмий фаолиятини қишлоқ хўжалигининг бу долзарб йўналиши ривожига бахшида этган йирик фан арбоби Республика Тупроқшунослик ва агрохимия илмий-текшириш институтига кўп йиллар раҳбарлик қилди. Шу давр ичида илмий муассасада тупроқшуносликнинг қатор истиқболли йўналишларига асос солинди.

Олимнинг изланишлари билан йирик монография, илмий тўпламлар, луғатлар юзага келди. «Тупроқ унумдорлигини оширишнинг янги технологиялари» деган мавзуда уюштирилган халқаро илмий конференциянинг профессор марҳум М.Умаров таваллудининг 90 йиллигига бағишланиши ҳам бежиз эмас. Ушбу анжуманда республикамиздаги қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртиларида Мажид Умаров номида стипендия таъяс этиш таклифи ҳам илгари сурилди.

Акбар АЛИЕВ

Президентимиз: «Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий гуруҳимизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир», — деб таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, давлатчилигимиз тарихининг қайси даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамisha азиз ва муқаддас саналган. Уларда халқнинг тарихи, бутуни ва келажаги ўз ифодасини топган.

Мустақилликни қўлга киритиб, ўз байроғимиз, гербимиз, мадҳиямизга эга бўлишимиз чин маънода озод ва ҳур эканлигимиз белгисидир. Шу боис уларга бўлган муносабатимизни, авваламбор, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонуларни ўрганишдан бошлашимиз керак. Ушбу қонуларнинг мақсади республика давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси давлат символлари билан ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдир.

Қонунда уларнинг ҳар бири Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзи эканлиги қайд этилган. Бугун Ўзбекистон фуқаросиман деган ҳар бир инсон бебаҳо маънавий-сиёсий қадриятларимиз бўлган давлат рамзларини билиши, ҳурмат қилиши шарт. Бундан ташқари Давлат рамзларини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонуларига белгиланган тартибда жазоланиши ҳам кўрсатиб ўтилган.

Дарҳақиқат, рамзлар ва тимсоллар асрлар давомида миллий гуруҳ, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим тарбия воситаси ҳисобланиб келган. Ушбу туйғуларни

инсонга синдирадиган тарбиянинг илк масканлари боғча ва мактабдир. Давлат рамзларига иззат-ҳурмат инсонга қони билан ўтиши, болаликнинг илк давридан онгига синдирилиши керак.

Давлат рамзлари мактабларда биринчи «Мустақиллик дарси»да ва йил давомида тарбиявий саотларда ўрганилади ва ўқувчилар онгида уларни тарғибот қилиш орқали Ватанга муҳаббат ва садоқат, халққа ҳурмат ва миллий гуруҳ туйғулари шакллантирилади. Ўқув йили давомида тарбиявий иш режаси асосида «Сиз давлат рамзларини биласизми?» мавзусида мактаб, шаҳар ва вилоят ми-

афеуски, ҳар доим ҳам бу ўлчам сақланиб келмаяпти. Айниқса, плакат ва деворларга чизилган байроқнинг ўлчамларига эътибор берсангиз, бу периметрлар қўпол равишда бузилганлигининг гувоҳи бўласиз. Ушбу қонунда қайд этилган барча ҳолатларда байроқ кўтарилиши ҳақида сўз юритилди, лекин бизнинг шаҳар ва қишлоқларимизни айлансангиз, давлат байроғининг симёғоларга белбоғ сифатида, турли биналарга панжара сифатида чизилганлигининг ёки байроқни фон сифатида ишлатиб турли шiorлар ёзилганлигининг гувоҳи бўласиз. Ахир, биз гербни маълум бир

баландикдан пастга осолмаймиз, устига ўзимиз хоҳлаган сўзларни ёза олмаймиз-ку. Нима учун байроққа муносабатимиз ўзгача бўлиши керак? Яна байроқ матосининг сифати ҳақида айтмоқчиман. Давлатимиз байроғи пишқ, чидамли, ранглари тоза матоларга ишланганини хоҳлар эдик. Байроқ чиқаридиган корхоналар шу масалага эътибор беришса яхши бўлар эди. Давлатимиз байроғи халқимиз тарихи, ҳустуйғуларини тўлалигича акс эттиради. Байроғимиз давлат мустақиллиги рамзи бўлиб ҳисобланар экан, республикамиздан чет элларга экспорт қилинаётган нарсаларга Ўзбекистон байроғининг сурати туширилса ёмон бўлмас эди деб ўйлайман. Мисол учун, Америка байроғининг сурати туширилган авторучкалардан ҳаммамиз фойдаланамиз, ўқувчиларимизнинг энг асосий куроли бўлган ручкаларга Ўзбекистон байроғининг расми туширилса, ўзимиз ва болаларимиз жон-дили билан улардан фойдаланган бўлар эдик.

Гулноза ЛАТИПОВА,
Олий Мажлис депутати

Милоҳаза

АЗИЗ ВА МУҚАДДАС ТИМСОЛЛАР

Маълумки, қадим-қадимдан ҳар бир юрт, мамлакат ўз байроғи, тамғаси, пул бирликларига эга бўлган. Улар озодликнинг, мустақилликнинг ўзига хос белгилари ҳисобланган. Уларга чексиз ҳурмат ва муҳаббат ила муносабатда бўлганлар, эъзозлаганлар.

Қёсида қўрик-танлов ўтказилади. «Давлат рамзларини ўрганиш» мавзусида ҳафталиклар ташкиллаштирилиб, шу мавзуда расмлар қўриги, танлов ва викториналар, юқори синфларда эса баҳамунозаралар, стол атрофида сўхбатлар уюштирилади. Шундай бўлсада, республикамиз педагог ҳодимлари бу йўналишда янада узлуксиз иш олиб боришлари зарур.

Давлат рамзлари ҳақида сўз борар экан, фурсатдан фойдаланиб, ўзимнинг баъзи фикрларимни билдирмоқчиман. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги қонунда байроқнинг узунлиги 250 сантиметр, кенлиги 125 сантиметр, ҳар бир эни 40 сантиметр, ўртадаги қизил чизиқлар 2,5 сантиметр бўлиши кераклиги кўрсатилган. Лекин

қарадиган корхоналар шу масалага эътибор беришса яхши бўлар эди. Давлатимиз байроғи халқимиз тарихи, ҳустуйғуларини тўлалигича акс эттиради. Байроғимиз давлат мустақиллиги рамзи бўлиб ҳисобланар экан, республикамиздан чет элларга экспорт қилинаётган нарсаларга Ўзбекистон байроғининг сурати туширилса ёмон бўлмас эди деб ўйлайман. Мисол учун, Америка байроғининг сурати туширилган авторучкалардан ҳаммамиз фойдаланамиз, ўқувчиларимизнинг энг асосий куроли бўлган ручкаларга Ўзбекистон байроғининг расми туширилса, ўзимиз ва болаларимиз жон-дили билан улардан фойдаланган бўлар эдик.

Гулноза ЛАТИПОВА,
Олий Мажлис депутати

Оз-оз ўрганиб, доно бўламиз

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ЗАРУР

Тошкентда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ва «Ўзстандарт» агентлиги ҳамкорлигида «ИСО-9001 халқаро стандарти» — халқаро бозорда бизнес қилиш учун самаралли йўл мавзусида анжуман ўтказилди.

«ИСО-9001 халқаро стандарти» бунун дунёда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатилмадан хизматлар сифатини бир маромда бошқарилишини таъминлайди. У дунёнинг кўпгина давлатлари, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония мамлакатлари томонидан тан олинган.

Анжуманда республикамиз корхоналарида «ИСО-9001 халқаро стандарти» бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нафақат ички, балки ташқи бозордаги рақобатбардошлиги унинг сифат кўрсаткичларига боғлиқ эканлиги таъкидланди. Бу эса маҳсулот ва кўрсатилмадан хизматларнинг сифатини оширишни тақозо этади. Натижада мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорга чиқишларига

замин яратилади.

Сотиб олувчилар биринчи ўринда корхонанинг бошқариш тизими «ИСО-9001 халқаро стандартига» киртилгани, йўқми шунга эътибор беришади. Стандартларнинг киритилиши эса, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширишга олиб келади. 2003 йилда «Ўзбекенгилсаноат» корхоналари томонидан экспорт ҳажми 213 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Жорий йилда ушбу кўрсаткични 280 миллион АҚШ долларига етказиш режалаштирилган.

Тадбирда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш учун «ИСО-9001 халқаро стандарти»га асосланган сифатли бошқариш тизимини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этиши айтиб ўтилди.

ЎҚИТИШ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент халқаро Вестминстер университети АҚШнинг АКСЕЛС таълим кенгаши томонидан ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш масаласига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари, олий ўқув юрти талабалари, таълим муассасаларидан вакиллар иштирок этишди.

АКСЕЛС таълим кенгаши мамлакатимизда 13 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. 2003-2004 ўқув йилида ҳам минглаб ўқувчилар, талабалар, магистрлар ва соҳа мутахассислари АҚШга бориб билим ва тажриба алмашиб келишди. Мазкур анжуманда АКСЕЛС таълим кенгаши вакиллари Ўзбекистонда инглиз тилининг ўқитилиши ва таълим соҳасидаги сифат кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратишди. Анжуманга таклиф этилган бир гуруҳ америкалик мутахассислар ҳам иштирокчиларга дунё ўқитиш тизимидаги янгилликлар тўғрисида маъ-

лумот беришди.

Таълим кенгаши вакилларининг эътироф этишларича, мазкур ташиқлотнинг турли йўналишларга мўлжалланган дастурлари ҳозирги кунда юртимизнинг олис ҳудудларида таҳсил олаётган ўқувчи-ю, ўқитувчиларга яхши таниш. Жумладан, «Келажак воқислари» дастури доирасида юзлаб ўқувчилар Америка мактабларида таълим олиб қайтишди. Мутахассислар ва турли тизимларга мўлжалланган «Очиқ дунё» дастурига ҳам юртодошларимизнинг қизиқишлари катта.

Анжуманда Давлат тест марказининг инглиз тили мутахассислари ҳам таклиф этилди. Ушбу тил бўйича бу йилги кириш имтиҳонлари натижаларининг ўқитилиши ва таълим соҳасидаги сифат кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратишди. Анжуманга таклиф этилган бир гуруҳ америкалик мутахассислар ҳам иштирокчиларга дунё ўқитиш тизимидаги янгилликлар тўғрисида маъ-

«Туркистон-пресс»

Мушоаза

ДАВР ТАЛАБИ

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни соғломлаштира бориб, уни ўз ҳолатида сақлаб туриш инсоният олдидаги долзарб муаммолардан бири. Чунки табиатнинг бебаҳо манбаларидан пала-партиш фойдаланиш унга нисбатан кўпол, ваҳшийларча муносабатда бўлиш ер кўрасида экологик вазиятнинг бузилишига олиб келаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бугунги кунда мамлакатимизда атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг боиси ҳам ана шунда.

Бизда 1999-2005 йилларга мўлжалланган атроф-мухитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилган. Шу режада биринчи кўзда тутилган нарса мамлакат аҳолисига соғлом мухит яратиш. Иккинчидан эса табиатдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий ресурсларнинг озайиши натижасида етказилмаган иқтисодий зарарни камайтириш, учинчидан, Ўзбеки-

стон табиатининг энг нозик ва қимматбаҳо манбаларини, айниқса унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш. Кўрилатгани чора-тадбирлар боис ҳозирги кунда кишиларимиз онгида, тафқурида атроф-мухитга ижобий муносабат тобора шаклланиб бораётган. Уларнинг экологик дунёқараши тубдан ўзгарган.

Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ҳам бу борада муайян

ишларни амалга оширмоқда. Кўмита ўз иш режасида халқ таълими тизими, Олий ва ўрта махсус таълим, «Экосан» халқаро жамғармасининг шаҳар бўлими, мавжуд корхона, ташкилот ва муассасалар, 474 тадан ортиқ ўзини-ўзи бошқарув органлари бўлими маҳалла кўмиталари ва бир қатор жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлигида аҳоли ўртасида ахборот воситалари ёрдамида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўймоқда. Хусусан, экологик маънавиятни янада такомиллаштириш борасида турли мавзуларда тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, телекўрсатувлар, радиозаштиришлар ташкил этилди. Газета ва журналларда чиқишлар қилинди.


«Экосан» халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда Болаларни химоя қилиш халқаро кўнига бағишлаб ҳар йили Фафур Фулом Хусусан, экологик маънавиятни янада такомиллаштириш борасида турли мавзуларда тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, телекўрсатувлар, радиозаштиришлар ташкил этилди. Газета ва журналларда чиқишлар қилинди.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, бу йил ўтган саккиз ойлик натижаларига кўра атмосферага зарарли чиқиндиларнинг чиқиши олдинги йил саккиз ойликка нисбатан анча камайган. Бу натижага эришишда шаҳардаги кўпгина бошқарув органлари бўлими маҳалла кўмиталари ва бир қатор жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлигида аҳоли ўртасида ахборот воситалари ёрдамида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўймоқда. Хусусан, экологик маънавиятни янада такомиллаштириш борасида турли мавзуларда тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, телекўрсатувлар, радиозаштиришлар ташкил этилди. Газета ва журналларда чиқишлар қилинди.

зилиши йўлга қўйилган. Тадбирлар давомида йиғилган барча натижаларига кўра атмосферага зарарли чиқиндиларнинг чиқиши олдинги йил саккиз ойликка нисбатан анча камайган. Бу натижага эришишда шаҳардаги кўпгина бошқарув органлари бўлими маҳалла кўмиталари ва бир қатор жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлигида аҳоли ўртасида ахборот воситалари ёрдамида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўймоқда. Хусусан, экологик маънавиятни янада такомиллаштириш борасида турли мавзуларда тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, телекўрсатувлар, радиозаштиришлар ташкил этилди. Газета ва журналларда чиқишлар қилинди.

2004 йилнинг «Меҳр ва муруват йили» деб аталганининг ўзи ҳам ҳар томонлама атроф-мухитни соғломлаштиришга ундайди. Бунинг учун халқимиз, айниқса ёшларимизнинг экологик маънавияти саъясини янада юқори поғонага кўтариш давр талаби эканлигини унутмаслигимиз керак.

Мақсуд КОМИЛОВ



Мушоаза

ҚОНУНЛАР — ИШ МЕЗОНИ

Мустақил республикамиз олдида табиатни муҳофаза ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш каби улкан ва олижаноб вазифалар турибди. Бу борада ўнлаб қонунлар қабул қилинган. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Олий Мажлис қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига таяниб иш кўради.

Маълумки, сўнгги йилларда «Экология» сўзи жуда оммавийлашиб кетди. Ҳарқирғи кунда атроф-мухитнинг номақбул ҳолати ҳақида гапирганда бу сўз тез-тез тилга олинади. Экология атамасини биринчи марта фанга 1866 йили немис биологи Эрнест Геккл киритган. Экология сўзи ўз мазмунига кўра «уй ҳақида ва ўзининг яшаш жой ҳақидаги фан» деган маънони англатади.

Табиатнинг ёмонлашуви ва сув манбаларининг ифлосланиши, ўрмон даракларининг кесилиши каби ҳолатлар инсониятнинг олдида атроф-мухит ҳақида оқилона муносабатда бўлиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш каби вазифаларни қўяди.

Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50, 54 ва 55-моддаларида ҳам алоҳида қайд этилган. Хусусан, 50-моддада «Фуқаролар атроф табиий мухитга эътиёкорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», дейилди.

54-моддада эса мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик мухитга таъсир этмаслиги, зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўрилгандаги мафлаатлари билан бўзмаслиги шарт эканлиги кўрсатилган.

Қаттиқ совуқ бошлангунга қадар ток туплари кесилиб, кўноқланиб, ерга секин-аста ётқизишли лозим. Ток рудалари бир текисда ерга қадалиб ётқизилса, ташлангандаги тупроқ ёки хашак ҳосили ток новдаларини яхши беркитади. Ток занг ва новдаларини ётқизишда кўнда уларни мажбур қилмасдан эғиш лозим. Умуман, занглар ток ҳали ёшигидан бошлаб парварши қилинади, яъни ёш тоқларда занг учун қолдириладиган бир йиллик яхши пишган новдалар икки томонга қараб ўнғай эгиладиган ва мумкин қадар ерга яхши ётадиган бўлиши керак.

Маъсуний оқишлар

КУЗГИ ХОМТОК

Занглар мажбур қилиб эгилса улар қисман бўлса ҳам синди ва совуққа чидамсиз бўлиб қолади. Иккинчидан, бандроқ бўлиб қолган занглар устига кўп тупроқ ёки хашак ташлаша тўри келади. 2-3 йил ичида ҳар йили оғиш ва кўмиш натижасида синган занглар анчагина қариб, ишдан чиқиб қолади. Бир ва икки яшар тоқларни куз-

да хомтоқ қилмасдан кўмиб, эрта баҳорда (танада шира суви юрмасдан) шакл берса ҳам бўлади. Лекин яхши ўсган 2-3 яшар тоқлар кузда қирқиб керакли новдалар, белгили куртақлар қолдирилади. 1-3 йил ичида ёш тоқларга шакл бериб, ҳосил олишга тайёрлаш зарур. Биринчи йили баҳорда бир яшар

лашдан, фуқароларнинг қулай атроф-мухитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини 1993 йилнинг 6 майда қабул қилинган. Бу қонун сувга доир муносабатларни тартибга солишдан, аҳоли ва халқ кўжалиги аъёнлари учун сувдан оқилона фойдаланишдан, сувини булғаниш, ифлосланиш, камайиб кетишдан, сувининг зарарли таъсирини олдини олиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан иборатдир.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунини эса 1993 йил 7 майда қабул қилинган.

Бу қонун ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини қўлаб қўлиб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий маданий, санитария-соғломлаштириш, эстетик нуқтаи назардан миллий бойлик ва умумхалқ мулки бўлиши кўммалти табиий мажмуаларини муҳофаза этишининг умумий, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий, ташкилий асосларини белгилаб беради.

«Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонунга асосан мўлжалланаётган ҳўжалик ва бошқа илмий фаолиятнинг амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдинги босқичларда бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш кўзда тутилган. Режалаштириладиган ёки амалга ошириладиган ҳўжалик ва бошқа илмий фаолият атроф табиий мухит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, бундай фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини аниқлаш, атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилган тадбирларнинг етарқилиги ва асослилигига қараб иш юритиш лозим бўлади.

Д.СУЛТОНОВА, А.МУХАМЕДЖОНОВ, Яқсарой тухани ноҳирлари.

ток тупида икки-уч кўзли бир-икки новдача қолдириб кесилади. Иккинчи йили бир йиллик новдалардан ўсиб чиққан ёш новдалардан 3-4 тача қолдириб, 6-8 кўзли, кейинчалик қор новдада 8-10-12 тагача кўз қолдириб кесилади. Асосий ҳосилни новдалар билан бир қаторда 2 та ҳосилли новдага тўғри келадиган битта 2-3-4 куртакли ўринбосар новда қолдириб кесилади. Ўринбосар новдалардан ўсиб чиққан сархил новдалар 2-4 кўз қолдириб кесилади. Ишқолларда ва сўриларда ўстириладиган бор бир кучли ўсувчи хусайни, ризамат, қора кишимиш, нимранг, нажим, Ўзбекистон мускати; пушти тоғи, паркати каби ток тупида 300-500 тагача кўз қолдириб кесилади. Ҳар бир ток тупида новда ва кўз қолдириб кесиб ток тупларининг ўсишига, қолаверса ёш мавсумида амалга оширилган парваршига боғлиқдир. Сўриларга кўтариб ўстирилган



Муамаларда

ЎЗБОШИМЧАЛИК ОҚИБАТИ

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг ноҳирлари томонидан 2004 йилда Акмал Икромов туманидаги корхоналарнинг атроф-мухитни муҳофаза қилиш фаолиятини текшириш жараёнида қуйидагилар аниқланди:

«Фёр-Ёшлик» хусусий фирмаси асосан автоуловларга техник хизмат кўрсатади. У ўз фаолияти учун кўмитадан давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасини олмай иш юритиб келган. Тумандаги «Картос» хусусий фирмаси эса кондиционерлар таъмирлаш ва электр двигателларининг симини қайта қоплаш билан шуғулланади. Текширув жараёнида бу корхона ўзи фаолияти учун давлат экологик экспертиза хулосасини олмаганлиги аниқланди.

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш қонунининг 41-моддасида корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни лойиҳалаш, қуриш, қайта ташкирлаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатишга доир экология талаблари ҳақида тушунтириш берилди. Шунга кўра корхоналар, иншоотлар ва бошқа

объектларни жўлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, кенгайтириш ва техника билан қайта ускуналаш, уларни тугатиш чоғида экологик талаблари назарда тутилмиш лозим. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш қонунларини бузган корхона раҳбарлари ёки фуқаролар Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тўғрисидаги қоидага асосан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 91 ва 96-моддаларига асосан жарима солиниди.

«Фарангиз-Омад» шўъба корхонаси машиналарга автотеххизмат кўрсатади. Ушбу корхо-

на ҳам кўмитанинг давлат экологик экспертизаси ижобий хулосасига эга бўлмади туриб иш юритган. «Фонон-3» заргарлик заводига қундузги ёриткич лампаларнинг яроқсизлари ўз вақтида утилтирилмаганлиги аниқланди.

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш қонунининг 41-моддасида корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни лойиҳалаш, қуриш, қайта ташкирлаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатишга доир экология талаблари ҳақида тушунтириш берилди. Шунга кўра корхоналар, иншоотлар ва бошқа

Ток тупида пишмаган новдачаларни қолдирмайлик керак. Ток кесиб, кўноқлаб, ерга ётқизилгандан кейин устига қалин ток рудалардан ва хашак ташланган ёки тупроққа кўмилган. Тупроқда нам етарли бўлмаса, албатта токни кўмишда қолдириш ёри натижаси учун сув қуйилади. Токни қирқибда чиққан яхши пишган новдалардан қаламчалар тайёрланади. Қирқилган новдаларнинг узунлиги 35-40 сантиметр, йўғонлиги 8-12 миллиметр бўлиши керак. Яхши пишмаган, касалланган ва ингичка новдалардан қаламча тайёрлаш керак эмас. Новдаларни ток кесилгандан кейин дарров тайёрлаб, тезликда керакли ерга қўмиб, устига 35-40 сантиметр тупроқ ташлаш керак. Бир йиллик новдаларда яхши шаклланган куртақлар 15 градусга-га бўлган совуққа чидайди.

Биласизми?

ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ

Сурхондарё воҳаси республикамизнинг ЭНГ жанубида жойлашган бўлиб, совуқ ҳаво массалари келадиган шимол томондан баланд тоғлар билан тўсилаётгани тўғрисида ЭНГ иссиқ ва вегетация даври ЭНГ узок ўтадиган жойидир. У ерда иссиқ кунлар 240-250 кунгача давом этади. Дала ишларини бажарса бўлади-ган давр бир йилда 307 кунни ташкил қилади.

Ҳашаротлар ичида ЭНГ ашаддий йиртқич бешиктебардир. Ўзбекистон сув ҳавзаларида ЭНГ кўп тарқалган балик сазан бўлиб, бошқа баликларга қараганда у секин сузади. Тез қатта бўлади, тез қўнади.

Шўп — бакрасимон баликларнинг ягона вакили бўлиб, Орол денгизига яшайди. Бўйи 2 метргача, оғирлиги 80 килограммгача келади. Ёш бўйи давомида деярли 2 минг километргача масофани босиб ўтади. Шўп — бизда ЭНГ қимматли ва катта баликлардан ҳисобланади.

Устюртнинг Кўнчирот атрофидаги жарликларда чийилдоқ гекконча деган ЭНГ кичик қалтақесак қўлаб учрайди. Унинг узунлиги 24 миллиметргача боради.

Йўл-йўл қалтақесак бизда учрайдиган ЭНГ чақон қалтақесакдир. Узунлиги 42-55 сантиметргача бўлади. Қирғовулнинг ЭНГ йирек вакили — қоракорин (оғирлиги 3 килограмм келади) Зарафшон, Туркистон тоғ тизмаларида 2000-3770 метр баландликда яшайди. Тоғларда яшовчи қораяқоқларнинг ЭНГ йиреги — бўз қораяқоқдир. Катта тақатумлук қўршапалак Урта Осиёда учрайдиган кўлканотлилар туркуминининг ЭНГ йирек вакили ҳисобланади. Унинг тана ҳарорати 38-40 даража иссиқ бўлади.

Биздан воҳса

ТАБИАТГА ОЗОР БЕРМАНГ

Яқин дўстларимиздан бири телефон қоқиб, ҳол-аҳвол сўради. — Биз қариялар ҳам ҳадеб уйда ўтиравермай, ҳеч бўлмаса бир дам олиш кунини табиат қўйнида ўтказайлик, — деб қолди.

Очиғи бу тақлиф менга ҳам ёқиб тушди. Ҳозирги иссиқ, ҳароратли кунларда соя-салқин, тоғ ёнбағир кенгликларидан ўз тенги улфатларинг билан мириқиб хордиқ чиқарганга нима етсин.

— Жуда яхши ўйлабсан, — дедим мен. — Биздан бошқа яна кимлар бўлади. Қаерга, қайси машинада борамиз? — Ўзинга яхши таниш бўлган улфатлардан яна икки кишини оламиз. Эшитмаганмисан «улфати чор, анда маза бор» деганлар. Машина масаласи ҳал. Мен ўзимнинг «Москвич»имда олиб бораман. Тушлик учун битта паловхонтўрнинг харажати ҳам каминанинг бўйида. Сизлар нон-пон, майда-чуйда олсаларингиз бас.

Шундай қилиб Хумсон сафарига шанба куни эрта-лаб соат 8 да жўнашни белгилаб хайрландик. Биров зориқиб кутганидан ёмони йўқ. Барвақтроқ йўлга тушдим. Белгиланган манзилга 15 дақиқа илгари етиб борсам, дўстларим алақачонлар келиб мени кутишга ётган экан.

Қизгин суҳбат асосида машинага ўтирдик. Қизил рангли «Москвич»имиз гуриллаб йўлга тушди. Шаҳар марказидан тобора узоқлаша-узоқлаша Қирбай йўлга чиқиб олдик. Тенгқур қариялар анчадан бери қуришмаганимизга суҳбат ҳеч тўхтамасди. Биримизнинг гапимиз ниҳоясига етмай, иккинчимиз янги мавзунини бошладик. Хуллас биримиз олиб, биримиз қўйиб Чирчиқ шаҳрига кириб бордик. У ёри текис «яшил чироқ» йўл. Демак Ғазалкентгача икки қалам. Машинамиз олға босгани

сари баланд тоғларга туташиб кетган қир-адирлар, пасттекисликлар тобора яқинроқ кўрина бошлади. Тўғ қўл узатсанг уларга ет-дларай. Алоғи йўқ ям-яшил далалар саҳий қўёш нурида ажабтовур кўзга ташланади.

— Ўзбекистонимиз чиндан ҳам жаннатмақонда, — дейди орамиздан кимдир узок-узокларга тикилиб. — Дисримизнинг яшил табиати ҳам ўз исми-жисмига мос тушганини айтмай-сизми? — Шундай юртда яшаган инсон умр бўйи чет элдан юрторларнинг орзу қилмаса ҳам бўлади. Ахир биргина мана шу Ўстон-булган улфатлардан яна икки кишини оламиз. Эшитмаганмисан «улфати чор, анда маза бор» деганлар. Машина масаласи ҳал. Мен ўзимнинг «Москвич»имда олиб бораман. Тушлик учун битта паловхонтўрнинг харажати ҳам каминанинг бўйида. Сизлар нон-пон, майда-чуйда олсаларингиз бас.

Биров хонадонга тушганимиз маъқул. Ахир етудик уларнинг. Олдинги йигитлар соддиқлаш учун қозон-товоқ, ўтин-қўмир ҳам керакда. — Бунисидан хавотир олмаманглар, ҳамма керакли нарсаларни юкхонага жойлашганман. Ҳатто палос, кўрпачаларгача бор.

— Ундай бўлса яхши, биров соя-салқин жойни топ-сак бўлди-да. Хумсон санаторийсининг орқасида жойлашган сув бўйидаги ялангилдан жой олдик. Бу ерда биздан бошқа дам олувчилар кўп экан. Улар билан ёнма-ён ўтириладиган бўлиб қолганини ҳис этмаймиз. Ўзимиздаги 3-4 ёш-яланг ичиб олган, анчагина кайф-чи раҳимизга келмайди. Аслида бизнинг ўзимиз ҳам мана шу табиатнинг фарзандларимиз. Модомки табиат бизнинг онамиз экан, унга қўл кўтарган нобақорларнинг жиловини тортиб қўйиш ҳар биримизнинг эгд оқдй инсоний бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

Бундай разм солиб турсак, йигитлар ўтирган атроф турли консерва қанчалари, йиртилган қозғарчалари, синиқ шишаларга тўлиб кетибди. Уларга бир-икки бор тартибга чиқардик. Чор-атрофни ифлос-лантирмадикларини илтимос қилдик.

— Шу чолларнинг лийди-ёсини эшитиб ўтиргунча турларнинг ҳаммаларинг, — деди улардан бири. — Ўтин тамом бўлди. Бунақада овқатимиз хали-вери пишмайди. Ҳов анани ерағи дарахт шоҳларидан синдириб келларинг.

Йигитлар биздан сал нарида шох отган терракка ёпишликнинг ўзида жойлашган дам олиш масканларининг қай бири ўша машҳур курортлардан қолишади.

— Уни-бунни қўйинглар, — дейди ҳайдовчимиз, — қаерга ҳайдай, қаерда қўним битта паловхонтўрнинг харажати ҳам каминанинг бўйида. Сизлар нон-пон, майда-чуйда олсаларингиз бас.

Шундай қилиб Хумсон сафарига шанба куни эрта-лаб соат 8 да жўнашни белгилаб хайрландик. Биров зориқиб кутганидан ёмони йўқ. Барвақтроқ йўлга тушдим. Белгиланган манзилга 15 дақиқа илгари етиб борсам, дўстларим алақачонлар келиб мени кутишга ётган экан.

Қизгин суҳбат асосида машинага ўтирдик. Қизил рангли «Москвич»имиз гуриллаб йўлга тушди. Шаҳар марказидан тобора узоқлаша-узоқлаша Қирбай йўлга чиқиб олдик. Тенгқур қариялар анчадан бери қуришмаганимизга суҳбат ҳеч тўхтамасди. Биримизнинг гапимиз ниҳоясига етмай, иккинчимиз янги мавзунини бошладик. Хуллас биримиз олиб, биримиз қўйиб Чирчиқ шаҳрига кириб бордик. У ёри текис «яшил чироқ» йўл. Демак Ғазалкентгача икки қалам. Машинамиз олға босгани

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганим
Домо бўлур...

● Ёмонлик қилган кишидан ўч олиш қўлдан келса ҳам, унинг қилган ёмонлигини кечириш зағу хулқларнинг кўркамроғидир.

● Бировдан ҳаё, уят кетса, ҳаё ўрнини бало олади.

● Ҳеч бир сабабсиз кулиш нодонлик аломатидир.

● Тўрт нарса тўрт нарсага муҳтож, яъни улуғлик — адабга, шодлик — хотиржамликка, яқинлик — мухаббатга ва ақл — тажрибага муҳтождир.

● Бир доғишманд ўз ўзига насиҳат қилиб айтади:

— Икки нарсани мендан ол, сенга керак бўлади: биринчиси, нима-ни сўзламоқчи бўлсанг, ўйламакдан сўзлама, иккинчиси, нима қилмоқчи бўлсанг тadbирсиз қилма.

● Боболаримиз: «Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан» деб бежиз айтмаганлар. Бировга ёмонлик қилган киши теъдда жазосини кўради.

ХИКОЯТ. Қадим замонда ҳасадчи бир бой одамнинг камбағал, лекин ўзининг хулқ-атвори тўғрисида халқнинг ҳурматига сазовор бўлган қўшнисини бор эди. Қўшнисининг халқ қошидаги иззат ва ҳурмати кўролмайдиган ҳасадчи нобакор бой у бечорани ўлдирмоқчи бўлди.

Бир кун халғи қўшни қўшлоққа бормоқчи бўлиб отланган эди, ҳасадчи бой дарҳол ҳолва пиширтирди ва унга ўтқир заҳар аралаштирди. Кейин иккита нон билан бирга камбағал қўшнисининг қўлига бериб айтди:

— Қўшни, қишлоққа бормоқчи бўлганингизни эшитдим, сизга раҳим келиб, дарҳол ҳолва пиширтирдим. Иккита нон билан бирга қўлвани сизга келтирдим, йўлда қорчингиз очикқанда бир ерга ўтириб тановул қиларсиз.

Камбағал қўшни бойнинг келтирган ҳолва билан нонини олди. Қўшни ҳасадчи малъун бойга миннатдорчилик билдириб, йўлга тушди. Ярим йўлга етганда сув бўйида ўтирган икки йигитни кўриб қолди. Бу йигитлар сув бўйида дам олиб ўтирган эдилар.

Камбағал қўшни улар ёнига келди. Йигитларнинг очикқалларини сезиб ҳолва билан иккита нонини уларга тақдим этди. Йигитлар ҳолвани едилару, дарров жон бердилар. Камбағал қўшни бу ҳолни кўриб, ҳайратда қолди. Қолган нон билан ҳолвани олиб орқага қайтди. Дарҳол шаҳар бошлиғига бориб ҳолва билан нонни берди ва бўлган воқеани баён қилди.

Шаҳар бошлиғининг буйруғи билан иккита йигитнинг жасадини келтирдилар. Кейин шаҳар бошлиғи ҳасадчи бойни чақиртириб унга ҳолва, нон ва икки йигитнинг жасадларини кўрсатди. Ҳасадчи бой йигитларнинг жасадларини кўргач, ёқасини йиртиб «дод» деб йиғлаб ўликлар устига ўзини ташлади. Бу йигитлар ўша нобакор, ҳасадчи бойнинг ўз ўғиллари эдилар. Шундай қилиб, бировга чуқур қазиган бой ўз чуқурига йиқилди.

Байт:
Хар кишиким бировга казғай чох,

Тушғай ул чох аро ўзи ногоҳ,
ХИКОЯТ. Ёмон фелъ-атвори бир одам олим, фозил одамнинг мажлисида ярамас ва куракда турмайдиган сўзлар сўзлашга киришди. Мажлисда ўтирганлар уни чиқариб юбормоқчи бўдилар. Фозил киши уларнинг фикрини қабул қилмади, у кишини ёнига олиб, кўп маслаҳат қилди, ёмон ҳаракатлардан тийди.

Эртаси кун у киши олим-фозилнинг ҳузурига келиб, уэр айтди. Бундан кейин ноҳўя иш ва ҳаракатлар қилмасликка ваъда берди. Олим мулоим сўзлар айтиб, унинг узрини қабул қилди. Ҳар ким қилган ишига пушаймон қилиб уэр айтса, узрини қабул қилиш лозимдир.

Унда муаллиф ўрта Осиёнинг бу йирик давлати ҳақида фикр билдирар экан, «Ўзбекистондаги тинч ҳаётни издан чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб олган халқаро фундаментализм ва террористик кучлар ҳаракатларига қарамай мамлакатда кенг демократиялаштириш жараёнлари жадаллик билан олиб борилмоқда» дейди.

Совет иттифоқи тарқалиб кетгандан сўнг Марказий Осиё давлатларидаги кўпчилиги ташкил этилган муслмонларни фундаментализм томон оғдириш учун кучли саъй ҳаракатлар бўлгани мақолада айтиб ўтилади. Лекин шунга қарамай, давлатда демократик парламентар институтлар мустаҳкамланмоқда, халқнинг демократик жараёнларда тўла иштирок этган ҳолда ҳукуматга ўз таъсирини кўрсатишига имкон берадиган сиёсий ислохотлар амалга оширилмоқда. Демократик жараёнларда асосий ролни ўйнаётган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга турли босимлар ўтказилган бўлсада, у фаровон дунёвий давлат қуриш йўлидан чекингани йўқ.

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши ҳомийлигида терроризмга қарши кураш маркази тузилиши, Афғонистонда тинчлик ва осойишталикка эришиш, Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд ташкил этиш масалалари юзасидан

Ислом Каримов ташаббусларини ва саъй-ҳаракатларини халқаро жамоатчилик томонидан юқори баҳолангани алоҳида таъкидланади.

Муаллиф Ўзбекистон ташқи сиёсатини таҳлил этар экан, Тошкент халқаро терроризм, диний экстремизм ва ғийбат моддалар савдосини бутун дунё тинчлигига раҳна солувчи

қўламли ва фаол демократияни ўрнатишда, дейди ва Ўзбекистоннинг бу жараёнда ташаббуслар билан чиқишига алоҳида урғу беради. Ўзбекистондаги икки палатали парламентга бўладиган сайловларга тайёргарлик ва бу соҳадаги қўнунчиликнинг ўзига хос томонларига тариф берар экан, у шундай дейди: икки палатали парламент

партияларнинг ролини сезиларли кенгайтиришга асос бўлади ва кўппартиявийлик асосида қўрилган демократия эса мамлакатда ўз меваларини беради. Парламентнинг юқори палатаси (Сенат) минтақадаги вазиятдан яхши хабардор ва Халқ депутатлари кенгашлири билан доимий яқин алоқада бўлиш имкониятига эга бўлган ҳамда вилоят ва ҳудудий даражада аҳолининг турли манфаатларини ифодалайдиган малакали вакиллардан ташкил топади. Қўйи палата (қонун чиқарувчи палата) доимий фаолият кўрсатадиган профессионал депутатлардан ташкил топади.

Мақолада яна Ўзбекистоннинг иқтисод соҳасидаги ютуқлари ва бозор муносабатларини шакллантиришга ҳам эътибор қаратилади. Чет эл сармоядорлари учун МДҲ мамлакатлари орасида энг қулай инвестиция муҳити яратилган, деб таъкидлайди мақола муаллифи.

«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН ФУНДАМЕНТАЛИЗМ БИЛАН КУРАШИБ, ДЕМОКРАТИЯНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Ҳиндистонда инглиз тилида нашр этиладиган «Political Events» («Сиёсий воқеалар») номида ҳафталик халқаро журналнинг 2004 йил 2 сентябрь сонида ҳинд халқаро журналисти, мазкур журналнинг сиёсий бўлими муҳаррири М.К.Дҳаранинг «Ўзбекистон фундаментализм билан курашиб, демократияни мустаҳкамламоқда» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

асосий иллат деб билишини, бу иллат билан курашишда эса бирдан бир ва энг мақбул йўл сифатида кенг қамровли ва мустаҳкам халқаро ҳамкорликни йўлга қўйганини айтиб ўтади. Марказий Осиё жўғрофий жиҳатдан халқаро террорга қарши курашнинг олдинги чизигида турар экан, у ўзаро рақобат ёки мусобақага эмас, балки халқаро ҳамкорликка эга бўлмоғи лозим. Умумий мақсад ва интилишлар йўлида иш олиб бориш ҳамда минтақада барқарор муҳит яратиш ўзбек ташқи сиёсатидаги кўзланган мақсад бўлиб қолаверди.

Ҳиндистонлик сиёсатшунос ўз фикрларини давом этар экан, терроризм ва фундаментализм билан курашда энг самарали қурол — кенг

латаси (Сенат) минтақадаги вазиятдан яхши хабардор ва Халқ депутатлари кенгашлири билан доимий яқин алоқада бўлиш имкониятига эга бўлган ҳамда вилоят ва ҳудудий даражада аҳолининг турли манфаатларини ифодалайдиган малакали вакиллардан ташкил топади. Қўйи палата (қонун чиқарувчи палата) доимий фаолият кўрсатадиган профессионал депутатлардан ташкил топади.

Мақолада яна Ўзбекистоннинг иқтисод соҳасидаги ютуқлари ва бозор муносабатларини шакллантиришга ҳам эътибор қаратилади. Чет эл сармоядорлари учун МДҲ мамлакатлари орасида энг қулай инвестиция муҳити яратилган, деб таъкидлайди мақола муаллифи.



Бахтиёр ёшлигим...

«Камолот»

ЕТАКЧИЛАР САЙЛАНДИ

Шаҳримиздаги барча мактабларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгашларининг бошланғич ташкилотлари етакчилигига сайловлар бўлиб ўтди.

Шайхонтоҳур туманидаги 141-мактабда ҳам мактаб сардорлар етакчилигига номзодлар сайланди. Дастлаб, сайловнинг биринчи босқичида мактаб сардорларининг ўтган йилда амалга оширилган ишларининг тўлиқ ҳисоботи тингланди. Ҳисоботда «Ёш «Камолот» билан!» акциясида бажарилган амалий ишлар тўғрисида ат-

рофлича тўхталиб ўтилади. Сайловнинг иккинчи босқичида номзодларнинг чиқишлари тингланди. Бунда ҳар бир номзод янги ўқув йилида режалаштирилган режалари билан чиқишиб, уни кўпчилиكنинг диққати-га ҳавола этишди.

Юзга яқин мактаб фаоллари иштирок этган ушбу сайловнинг сўнгги босқичида етакчилар кўпчиликка маъқул овоз бериш йўли билан сайланди. Бу йил ҳам мактаб сардори этиб фаол ўқувчи Азим Ҳусанов сайланди ва келгуси режалар белгилаб олинди.

Орзуғулу РУСТАМОВА

Тошкентда «Марказий Осиё минтақасида сил касаллиги устидан назорат қилиш» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди. У мамлакатимиз ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги молиявий ҳамкорлик остида ташкил этилди.

СИЛГА ҚАРШИ КУРАШ

Анжуманда KfW банки, EPOS, ЖССТ, Жаҳон банки экспертлари, USAID, project HOPE, CDC, KNCV, MSF, Damien Foundation вакиллари, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон силга қарши курашиш институтлари директорлари ва етакчи мутахассислари иштирок этди. Шунингдек, Марказий Осиё давлатларининг Ички Ишлар ва Адлия вазирликларидан ҳам вакиллар қатнашди.

Анжуманда мамлакатимизда силга қарши курашиш миллий дастурини тadbир этишда Фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институтининг кўмакчиси, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус бўлими DOTS марказининг тақдими бўлиб ўтди.

— Маълумки, DOTS стратегияси Ўзбекистонда силга қарши курашнинг асосий усули деб қабул қилинган, — деди анжуманда сўзга чиққан Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги Феруз Назиров. — Бу силга қалинган беморларни қисқа муддатли назорат остидаги кимёвий даволаш курси бўлиб, унда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, бемор балғамини микроскоп ёрдамида текшириш билан ташхис қўйиш, стандарт даволаш курси, дори-дармонни узлуксиз етказиб бериш ва доимий ҳисоботни тайёрлаш таъминоти устун туради. Мазкур дастур 1998 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва республикамизнинг барча ҳудудларида қўлланилмоқда.

Ф. Назировнинг таъкидлашича, мамлакатимизда силга қарши курашиш миллий дастурини тadbир этишда кўпгина ижобий ютуқларга эришилди. Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг юқорилиги, бу эса ОИТС, сил ва Малария бўйича мамлакат бошқарув қўмитасини ташкил этилиши билан изоҳланади. Сил касаллигини камайтириш ва унинг профилактикаси бўйича Миллий Стратегик дастурнинг қабул қилиниши, Республика DOTS марказининг ташкил этилиши, сил касаллигининг олдини олиш ва назорат қилиш ўқув марказининг ташкил қилиниши ҳамда силга қарши курашиш хизмати моддий-техника базасини яхшилаш учун донор ташкилотларнинг жалб этилиши шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Республика DOTS маркази, Фтизиатрия ва пульмонология ИТИнинг етакчи мутахассислари ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан фтизиатрлар, тиббиёт ҳамширалари, умумий амалиёт тизими шифокорлари, соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари, лаборантлар махсус ўқув курсларида ўқитилмоқда. Республиканинг барча тиббиёт муассасаларида ҳар чоракда мунтазам ўтказиладиган мониторинг тизими яратилди. Уларнинг хулосалари вилоятлар ва Соғлиқни сақлаш вазирлигида муҳокама қилинади. Жорий йилда Германия Федератив Республикаси ҳукумати KfW банки ҳамда Оламшумул Дори Фонди(GDF) грантлари ёрдамида мамлакатимизнинг 14 вилоятидан 11 таси силга қарши ишлатиладиган препаратлар билан тўлиқ таъминланди.

Анжуманда ЖССТ томонидан тақлиф этилган ҳисобот шакллари тасдиқловчи Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи чиқарилгани эътироф этилди. Унда мамлакатда сил касаллиги бўйича статистик ҳисоботни такомиллаштириш, яъни мамлакат ва ЖССТ тавсия этган шакллари яқинлаштириш кўзда тутилган.

Анжуманда сўзга чиққан хорижий давлатлар мутахассислари бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида силга қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар қўлами ва бу борада қилиниши зарур бўлган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил тўхтадилар.

Алоуддин ҒАФФОРОВ, «Туркистон-пресс»

Биласизми?

**АВВАЛО,
КИР ЮВИШ
МАШИНАСИ...**

ЛОНДОН. Шимоллий ирландиялик 58 ёшли Ирис Джеффорд исмли аёл сўнги ўн йилликдаги энг катта лотерея ютқч эгасига айланди. Британия миллий лотереяси тарихида бу энг катта ютқч ҳисобланади. Мазкур хабар Джеффорини албатта хайратга солган. Апрель ойида шифокорлар томонидан рақ касаллиги бор деб таъхис қўйилган бу аёл ютиб олган пулига энг аввало кир ювиш машинаси сотиб олмақчи, кейин эса турмуш ўртоғи билан Лас-Вегасда дам олмақчи эканлигини айтди. Ютқч миқдори эса 20 млн. фунт-стерлинг бўлиб, бу 37 млн. долларга тўри келади.

**БУТЕРБРОД
УЗУНЛИГИ —
700 МЕТР**

РИМ. Дунёдаги энг узун бутербродни Апеннин оролидаги Мотолло шаҳарчасининг аҳолиси тайёрлаб ўша пайтнинг ўзида еб қўйишди. Бутербродни 130 йилдан буён нонвойлик билан шуғулланиб келаётган Катаччилар оиласи пиширишда иштирок этди. Дунёнинг энг узун бутербродини тайёрлаш учун 7 нафар нонвой 24 соат тинмай тер тўкишига тўри келди. Унга 800 кг. ун кетган бўлиб, узунлиги 700 метр. Уни шаҳарчанинг энг узун магистрал йўлига ётқизишди. Колбасали қоришмани устига қўйиб чиқиш учун 20 га яқин курувчилар ёрдамга чақирилди.

**ЯРИМ
ТОННАЛИК
ОДАМ
ОЗМОҚДА**

НЬЮ-ЙОРК. Сайёрамиздаги энг семиз одам деб топилган америкалик Патрик Дюэл ҳозирда шифокорлар назоратида озисни давом эттирмоқда. У деярли ярим тонна — 486 кг. бўлган вазинни парҳез ёрдамида камайтириш ниятида. 8 ҳафта муқаддам 42 ёшли бу америкалик Жанубий Дакота штатидаги «Эвара Маккиннам» касалхонасига келтирилган эди. Шу пайтгача у 145 кг. гача озишга улгурди. Унинг айтишига қараганда, агарда у парҳезни давом эттирса, яна 200 килограммага озиши мумкин экан.

ИТ — ВАФО

БЕРЛИН. Тўтиқуш, ит ва мушуклар ўз эгаларига фақатгина хурсандчилик олиб келмас эканлар. Немис шифокорларининг аниқлашича, уларнинг соғлиқни тиклашда ҳам катта ҳиссалари бор экан. ГФРнинг таълим ва илмий текшириш вазирлиги берган маълумотларга қараганда, уй ҳайвонлари бор кишилар турли хил асабийлашишларга кам учраб, бошқаларга нисбатан шифокорга 25 фоиз кам мурожаат қилишар экан. Олимлар яна уй ҳайвонлари билан 5 йил бирга яшаган одамларга иммунитетлари ҳам яхшиланади, деб ишонч ҳосил қилишди. Ит — вафо деб бежиз айтилмас экан-да.

Бироқ, ногирон инсонларнинг ўзлари ўз ҳақ-ҳуқуқларини билалдиларми? Ёки бу тоифа кишилар мамлакатимиз ҳукумати томонидан ёхуд халқаро миқёсда ижтимоий муҳофазага оид қабул қилинган қонунлар, қарорлардан хабардормилар? Назаримизда ҳамма ҳам бундай ҳужжатларда белгилаб қўйилган қонун-қондаларни биллавермайди. Аслида эса меҳрга ташна инсонларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишга интилишларида бундай ҳужжатлар жуда асқотади.

Яқинда «Handicap international» француз инсонпарварлик ташкилоти, «STATUS» умуртқа поғонаси ногиронлари ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази, «Умидворлик» имконияти чекланган болалар ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш маркази, Қўқон шаҳар Талбиркор аёллар ассоциацияси ҳамкорликларида Тошкент шаҳрида «Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти учун ногиронлик масалалари бўйича ахборот манбалар тармоғи» лойиҳаси доирасида ногиронлар муаммолари бўйича Ахборот манбалар маркази фаолият бошлади. Шуни қувонарлики, ушбу лойиҳа Европа Иттифоқининг «Институционал ривожланиш соҳасидаги ҳамкорлик», «Фуқаролик жамияти ва маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» Дастур-

лари доирасида амалга оширилмоқда. Дарвоқе, шуни таъкидлаш жоизки, ушбу марказ хизматидан ногиронлар муаммоларига бефарқ қарамайдиган инсонлар, имконияти чекланган кишиларни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш

Ногиронлар муаммолари бўйича Ахборот манбалар марказининг филиали ташкил этилади.

Ахборот манбалар маркази иш фаолиятининг асосий мақсади — меҳрга ташна инсонларнинг маълумот олиш имконини яхшилаш, ногиронлар муаммоларига жамоатчилик эътиборини қаратиш, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда ва жамиятда ногиронларнинг янада фаол иштирокларини таъминлашга қўмаклашишидир.

Марказга мурожаат қилганларга турли хил информацион материаллар, китоблар, рисоалар, ногиронлар интеграцияси ва реабилитацияси бўйича мақоалалар бепул тақдим этилиши таҳсинга сазовор. Шунингдек, марказ ходимлари фойдаланувчиларга видео, аудио, фото, СД-КОМ материаллари билан танишишга ҳам имкон яратадилар.

Хулоса қилиб айтганда шаҳримиздаги Ахборот манбалар маркази имконияти чекланган кишиларнинг ҳаётини энгиллаштиришга интилаётган барча шахслар, мутахассислар билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Ишончимиз комил, ногиронларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида Ахборот манбалар марказининг аҳамияти катта бўлади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

2004- Меҳр ва нурувват йили

**АХБОРОТ
МАРКАЗИ
ИШ БОШЛАДИ**

Меҳрга, саховатга ташна инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, бир сўз билан айтганда оғирини энгил қилиш халқимизга хос одат. Ногиронларга кўрсатилаётган ёрдамнинг ҳар қадамда, ҳар соатда, ҳар куни гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу табиий ҳол албатта.

ҳамда реабилитация марказларида ишловчи мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Марказнинг режаларидан бири «Ногиронлар масалалари бўйича Ахборот манбалари тармоғи» лойиҳаси доирасида икки йил давомида мамлакатимизнинг саккиз шаҳрида саккизта ахборот ресурслари пунктларини ташкил этишидир. Шуни мамнуният билан хабар қиламизки, марказнинг Қўқон шаҳридаги пункти аллақачон фаолият бошлаган. Яқинда Самарқанд шаҳрида ҳам

Тошкент шаҳар планетарийси кичик расадхона янглиг кўпчилик эътиборини ўзига торта бошлади. Пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида қад кўтарган бу даргоҳ замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Сўз

**МАДАНИЙ ГРАНТЛАР
ДАСТУРИ ДОИРАСИДА**

Астрономия фани ва амалиётига оид бу хил мурракб қурилмалардан бир нечтаси четдан олиб келинди. Япониядаги Кнори компанияси ёрдами билан

ҳам планетарий янги жиҳозларга эрга бўлди. Кунчиқар мамлакатнинг «Минолта» фирмаси тақдим этган қурилма ҳам томошабинларга қулайлик

туғдирди.

Маданий грантлар дастури бўйича эса планетарий яна қатор техникаларга эга бўлади.

Ақбар АЛИЕВ

Анжуманлар

ГИЁВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Тошкент Давлат юридик институтида «Ҳуқуқшунослар гиёвандликка қарши» шиори остида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда ушбу наркотики бизнес халқаро терроризм каби XXI аср вабосига айланди.

Инсониятнинг ушбу оғуға берилиши биринчи навбатда миллат генофондида таъсир қилади. Айниқса, бу йўлда асосан ёшларнинг наркоманияга берилганлигини кўриш мазкур долзарб масалани янада жиддийлаштиради.

Маълумки, БМТ томонидан 1961 йил «Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция, 1972 йил «Психотроп моддалар тўғрисида»ги протокол, 1988 йил «Наркотик ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Конвенция қабул қилинган эди. Республикада ушбу халқаро ҳужжатларнинг барчаси ратификация қилинган.

Талбирда бундай ҳолат нафақат тиббий, балки ижтимоий, психологик жиҳатдан ҳам муаммо эканлиги ҳақида сўз борди. Бугунги кунда мазкур масала юзасидан хал-

қаро ташкилотлар ҳам қайғурмоқда. Масалан, FICA халқаро ташкилоти томонидан Тошкентда гиёвандларни бепул даволайдиган ва психологик ёрдам кўрсатадиган 10 та пункт ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Анжуманда аввало ҳуқуқий тарбияга, яъни ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига алоҳида аҳамият бериш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Хулоса қилиб айтганда, миллий механизмлар тизими ҳисобланмиш нодавлат, ношароит ташкилотлари, ОАВ, ҳуқуқ-тартибот идоралари бу борада ўз фаолиятларини янада кучайтиришлари лозим. Шундагина биз Республикада ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом фикрли авлод вояга етишишга муҳим ҳисса қўшган бўламиз.

**Дилором ДҮСМУҲАМЕДОВА,
Ўзбекистон Миллий
университети талабаси**

Тиббий

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг спорт жараҳати саломатлик маркази йирик шифобахш даргоҳга айланиб қолди. Бу ерда саломатлиқни тиклаш муолажаларини олиб боришда бой тиббий тажрибалардан кенг фойдаланилмоқда.

Жисмоний машқлар орқали ҳам даволаш усуллари қўлланилмоқда. Қўрилаётган бу каби тиббий тадбирлар ўз самарадорлигини билан ажралиб туради.

Марказ даволаш усуллари

рени янада яхшилаш мақсадида АҚШнинг Сент-Луис штатидаги ортопедия клиникаси билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

Клиниканинг спорт жараҳати бўлими мутахассис-

лари билан алоқа эса марказда муолажалар олиб боришнинг энг замонавий усулларини қўллашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Анвар ВАЛИЕВ

Болаларга

ўқиб берилди

ШИКОЯТ

Боғчага келган врач, саволга тўтди Норни. — Кулоқ, бурундан ўғлим, айтинг шикоят борми? — Кулоқ, бурунданми? Бор. Болакай дер мулойим, — Майкамини кияр бўлсан халақит берар доим.

УНДАЙ БЎЛСА

Ака-укалар чопар, қўлларида белкурак. Акаси дер: бу ишга беш соат кетса керак. Укаси дер: Э йўғ-е, кетса керак уч соат. — Ундай бўлса ке ўзинг, чопақолгин Азамат!

**ТЕРЛАТАДИГАН
ВОСИТА**

Муаллим болаларга, ташлади шундай савол. — Терлатадиган нечта, қандай воситалар бор?

Бир ўқувчи ўрнидан, дик туриб деди шу он: — Буларнинг биринчиси саволингиз, домлажон!

КЎЗ ЮМИБ АЙТИНГ

Эртак айтар онаси, ухламайди болажон. — Ҳақ, кўзингни юмсанг-чи, ахир ухлайсан қачон.

Болакай дейди гингшиб: — Ухлайдиган пайтимда Сиз ҳам эртагингизни, кўзни юмиб айтинг-да!

ЁЗИБ ҚЎЙИБМАН

Дафтарини варақлаб, муаллимга дер Мумтоз. — Бунга нима ёздигиз, ўқий олмадим устоз?

Ўқитувчи ўқрайди, қўйгудайин уни еб: — Ёзиб қўйибман бола, тушунарли ёзгин деб.

Ҳабиб РАҲМАТ

Спорт

МЕРГАНЛАР БАҲС ЮРИТДИ

Фаргона шахрида уч кун давомда пневматик куролдан отиш бўйича Турсун Қамбаров соврини учун ёшлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Турнирда Республикаимизнинг ўнта вилоятидан келган 80дан ортиқ спортчилар иштирок этди.

Шуни айтиш кераки, мудофаага кўмаклашувчи «Ватан парвар» ташкилотининг Фаргона вилоят кенгаши, Фаргона вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, «Камолот» ЁИҲ вилоят спорт кўмитаси ва ўқ отиш федерацияси мусобақаларни юқори даражада ўтказиш юзасидан кенг қўламдаги ишларни амалга оширди.

Биринчилиkning тантанали очилиш маросимида шаҳардаги 1-маданият уйи санъаткорлари кўнж дастур намойиш этиб, йиғилганлар дўғиларини хушнуд этишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, тўрт турдаги машқлар бўйича ўтказилган биринчилик баҳсларида ҳамшаҳарларимиз энг юқори натижаларни кўрсатдилар. Жумладан қизлар ўртасида ВП-4 машқда андижонлик Батерина Ивко 377 очко жамлаган ҳолда голиблар сафини бошқарган бўлса, ҳамшаҳримиз Елена Дронинага 358 очко билан иккинчи ўрин насиб этди.

Ўсмирлар ўртасида худди шу машқларда эса 366 очко тўплаган, спорт усталигига номзод Хасан Маевлев (Тошкент)га тенг келадиганлар топилмади. Ушбу машқда Хасаннинг жамоадoshi Фарход Нияматуллаев бронза нишонларининг соҳиби бўлди.

Ўсмирлар ўртасида ташкил этилган ПП-2 йўналиши бўйича машқларда эса бирваракайига 1-ва 2-ўринлар ҳамшаҳарларимизга насиб этди. Яъни 374 очко тўплаган спорт усталигига номзод Азиз Муджаммадрасимов ҳурмат шахсунасининг энг юқори поғонасидан жой олган бўлса, Баҳром Қодиров иккинчи ўрин билан кўйфланди. Қизлар ўртасида шу машқда омад Наманган вилояти вакили Татьяна Тарасовага кулиб боқди.

Ҳамшаҳримиз Мария Теплова бугали иккинчи натижани қўйд этди. Клублар ўртасида умумжамоа ҳисобида Чилоспор тумани спорттехника клуби вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорлар, энг яхши қатнашчиларга турнир ташкилотчилари томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)



Каратэ

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИДА — ЭНГ КУЧЛИ ЁШЛАР

Маълумки спортнинг каратэ турида Ўзбекистон чемпионати ва Кубоги энг кучли мусобақалар сирасига киради. Ушбу мусобақаларда доимо иқтидорли ёш юлдузлар чақнайди, кучлилар ичра кучлилар сараланиб, Осиё ва жаҳон чемпионатлари каби нуфузли мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Шу йил 24-26 сентябрь кунлари шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган Ўзбекистон Кубоги баҳслари илк бор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Турнирда Республикаимизнинг 12 вилояти,



Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидаги 30 га яқин каратэ клублари вакиллари бўлмиш минга яқин ўсмирлар ва қизлар галаба учун кураш олиб боришди.

Ўзбекистон Кубоги мусобақаларининг тантанали

очилиш маросими 25 сентябрь кунини соат 10 да бўлиб ўтди ва унда каратэ юлдузларининг катта кўргазмали чиқишлари ва таъкидлик санъатлари ўз маҳоратлари билан

йиғилганлар кўнгилларини хушнуд этишди.

Шуни таъкидлаш кераки Кубок мусобақалари натижаларига кўра 1-3 ўринларни эгаллаган голиб

ва совриндорлар халқаро мусобақаларда қатнашиш учун тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон ўсмирлар ва қизлар терма жамоалари таркибидан ўрин оладилар.

Ўзбекистон Кубогининг кескин ва ҳаяжонли баҳсларига марҳамат, азиз ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари.

(Ўз мухбиримиз)



БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари мамлакатимиз ички истеъмол бозорига ноқонуний йўллар билан олиб қилиётган товар-моддий бойликларнинг савдо-сотиғига чек қўйиш мақсадида олиб борган тадбирлари давомида бир қатор сохта «тадбиркор»ларнинг қилмишлари фош бўлмоқда.

тадбир натижасида, ушбу савдо марказига тегишли омборхонада ноқонуний равишда сақланаётган чет давлатда ишлаб чиқарилган 1 миллион 700 минг сўмга яқин пиво маҳсулотлари мавжудлиги маълум бўлди. Маҳсулот эгаси Р.Бекчанов ушбу маҳсулотнинг ноқонунийлиги ҳақида бирон бир ҳужжатни асос сифатида тақдим эта олмади. «Сергеи-авто» бозорида олиб борилган тадбир натижасида эса бозор атрофида ҳарақат-

ланаётган араваларнинг бири назоратдан ўтказилганида 1 миллион 300 минг сўмдан ортиқ 46 дона хорихда ишлаб чиқарилган автомашина аккумуляторларини яширин равишда олиб келиб савдога чиқарилаётгани аниқланди. Маҳсулот эгаси С.Маҳмудов аккумуляторларни республикамизга қонун асосида керакли тўловларни амалга оширган ҳолда олиб келганида унинг иш фаолиятига ҳеч ким тўсқинлик қилмасди.

Темиратқилар ва яраларга ишлатилади.

Долчин ёғи қалтироқ касалига фойда қилади. Долчин қўлоқ оғриғини босадиган ва унинг дорилари таркибига қирадиган нарсалардандир.

Уни ейиш, сурма қилиш кўзга тушган пардага ва кўз қоронғилашишига фойда қилади.

Йўталга фойда қилади, кўкракдаги нарсаларни тазалайди.

Жигар тикқилмаларини очади, жигар ва меъдани кучли қилади. Бачалон, буйрак оғриқларига ва шишларга фойда қилади.

Титратадиган иситмага қарши ичириш, айнакча ёғи билан силаш фойда қилади.

Шифобахш ўсимликлар

ДОЛЧИН

Энг яхшисининг ҳиди ёқимли, таъми ачитмайдиган ўткир, ранги тоза ва аралашмаган бўлади.

Долчиннинг яхшилик аломатларидан бири, шуки, унинг ҳиди ўзидаан бошқа ҳар бир ҳидга голиб бўлади. Бунинг ёнида бошқа ҳеч бир ҳид сезилмай қолади, яъниб кулча қилиб қўйилса, қуввати сақланади.

Селкик ва ясимқсимон қора доғга ва сирка билан қўшиб, сутли тошмаларга суртилади.

Ғолиб

ФАЛАБА КЕЛТИРГАН ЯГОНА ГОЛ

Мамлакат XIII миллий чемпионатининг 18-тур беллашувида шахримизнинг олий лигадаги янги жамоаси «Локомотив» галаба қозонди.

Шуни таъкидлаш жоизки, иккинчи давра учрашувларини анча ноте-кис ўтказётган «Локомотив» айна дамда турнир жадвалининг ўрталаридан жой эгаллаб турибди. Шу боис ҳам муҳим очколарни қўлга киритишга интилган тошкентликлар сафарда «Машъал» жамоасига қарши кечган учрашувни аввалгиларига қараганда анча сермазмун ўтказишди. Қувонарли томони — рақиб дарвозасига ҳужум уюштириш, тўпни ўзида узок ушлаб туриш ва аниқ узатиш борасида мубораклик футболчилардан устунлик қилган тошкентликлар 1:0 ҳисобида галаба қозонишга муваффақ бўлишди. Еттинчи дақиқада Усмонхўжасв томонидан киритилган ягона гол учрашув охирига қадар ўзгармади.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Бухоро» — «Насаф» — 0:0, «Сўғдиёна» — «Навбахор» — 1:2, «Самарқанд — Динамо» — «Қизилқум» — 1:1, «Трактор» — «Нефтчи» — 1:3, «Металлург» — «Сурхон» — 1:0.

Навбатдаги 19-тур баҳслари 25 сентябрда бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Яна бир ҳолатда Контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бўлими ходимлари тезкор маълумотларга асосланган ҳолда пойтахт кўчаларининг бирида В.Қосимов бошқарилишидаги «ВАЗ-2109» автомашинасини тўхтатишди. Машина назоратдан ўтказилганида юқонасига жойланган хоржий давлатда ишлаб чиқарилган акция маркаси эгаси 1,5 минг пачкага яқин «Pine Lights» сigaretларининг ноқонунийлиги маълум бўлди. Ушбу қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Бу тадбиркорлар мавжуд қонун-қоидаларимиз асосида иш тутишигада ўзларига ортиқча ташвиш орттириб, ҳаловатларини йўқотишмаган бўларди.

Нурбек МУСТАФОВ

ЗИРА

Зиранинг суви билан ювилса, юзни тиниқ қилади, унинг олиниси ва истеъмол этилиши маълум миқдорда бўлиши керак, агарда кўп истеъмол қилинса, юзни саргайтиради.

Зирани сирка билан эзиб искаганда, шунингдек уни эзиб, бураб бурунга тикрилганида бурун қонашини тўхтатади.

Сув билан аралаштирилган сиркага солиб ичиlsa, нафас олишнинг қийинлашишида фойда қилади. Унинг ўзи, айнакча ёввойиси тошни майдалайди. Томчилаб сийиш, қон сийиш ва ичакнинг бураб оғришида ҳамда қорин кўпчишида фойда қилади.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилади. Қотти биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқсади. Напр кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумки.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа оқшадорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.